| FARG'ONA VILOYATI HOKIMLIGI YIG'ILISHINING **B A Y O N I** | | **П Р О Т О К О Л** СОВЕЩАНИЯ ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА |
|---|---|---|

2017 yil "15" июль № 290/01-49

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Фарғона вилояти ҳокими,**
**вилоят комиссияси раиси**

**Ш. Ғаниев**
"15" июль 2017 йил

**Фарғона вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш**
**БАЁНИ**

2017 йил "15" июль Фарғона шаҳри

**Раислик қилувчи:** - **Ш. Ғаниев** - вилоят ҳокими

**Таклиф этилганлар:** - Вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, котибият мудирлари, бўлим бошлиқлари, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари *(рўйхат бўйича)*

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистан спортчиларининг 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларининг самарадорлиги бўйича Республика коммисияси йиғилишининг 1-сон мажлис баёни тўғрисида.**

*(Ш.Ғаниев, С.Қўчқоров, И.Носиров, Т.Тожиева, Р.Мажидов, Ш.Ғаниев)*

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа этиб белгиланди, пировардда давлат сиёсатининг устувор йуналишлари доирасига кўтарилди. Ўзбекистонда спорт миллий маданиятимизнинг узвий қисми хисобланиб, у кенг халқ оммасини юксак аҳлоқий руҳда тарбиялашда ва саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон спортчилари 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида 13 та медалларни қўлга киритди,

шундан 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медали, XV Паралимпия ўйинларида эса 31 та медалларни, 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медалларига сазовор бўлиб, Олимпия ва Паралимпия ўйинларидаги иштироки даврида илк бора юксак натижаларни қўлга киритди.

Шундан Фарғона вилояти спортчиларидан ёшлар олимпиадаси ғолиби Бектемир Меликўзиев кумуш медалига, Паралимпия ўйинларида эса Солиев Донёр 2 та кумуш медалига сазовор бўлдилар.

Мана шундай ютуқларга эришганлигига қарамай ўзбек спортчилари ва уларни захирадаги потенциалидан тўлиқ фойдалана олинмади. Совринли ўринларни қўлга киритилишда фақатгина бокс, дзюдо, оғир атлетика ва спорт курашлари билан чегараланиб қолинди.

Ҳозирда, гимнастика, енгил атлетика, таэквондо WTF, байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорт турларини потенциали юқори эканлиги, ушбу спорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзолари Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа нуфузли ҳалқаро мусобақаларда етарлича рақобат кўрсатиб, совринли ўринларни эгалламоқдалар.

Сузиш, қиличбозлик, велоспорт, теннис билан бир қаторда спортнинг ўйин турлари бўйича юқори малакали спортчиларни тайёрлашни янада такомиллаштиршп учун қуйи поғонадан иқтидорли ёш спортчиларни саралаб (селекция) олиш ишларини ташкил этишни кучайтириш ва ушбу спорт турларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Имкониятимизда мавжуд бўлган потенциал кучлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, ҳалқаро спорт майдонларида вилоятимиз, мамлакатимиз нуфузи ва обрўсини янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдага ПҚ-2821-сон "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши тўғрисида"ги қарори ва Дастурининг ижроси бўйича билдирилган фикр ва таклифларни инобатга олиб, Вилоят комиссияси

## ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. **Вилоят ҳокимнинг ўринбосари И.Носиров, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов), Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Умаров)** томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши тўғрисида"ги ПҚ-2821-сон қарори ва Дастурининг ижроси юзасидан берган ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йия 9 мартдаги "Ўзбекистан спортчнларнни 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик куриш тўғрисида"ги ПҚ-2821-сонли қарорининг Дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан вилоятнинг комплекс чора-тадбирлар ва назорат-режаси 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги

“Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио (Япония) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-2821-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида объектларни қуриш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозлари билан таъминлаш бўйича вилоят дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**3. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ҳамда олимпия спорт турларини янада ривожлантириш мақсадида ҳомий ташкилотлар ва муассасаларнинг вилоят федерация ва уюшмаларига ҳомийлик қилиш тўғрисидаги ташаббуслари 3-иловага;

2017 йил учун спортчилар ва тренерларга ҳар ой стипендия шаклида тўланадиган пул маблағларини Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси хисоб рақамига ўтказиш мақсадида бириктирилган ҳомий ташкилот ва муассасалар рўйхати 4-иловага;

Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш мақсадида вилоят федерация, уюшмаларига бириктирилган ҳомий ташкилот ва муассасаларнинг ҳомийлик маблағлари тақсимоти 5-иловага;

Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш мақсадида республика федерация, уюшмаларига бириктирилган ташкилот ва муассасаларнинг ҳомийлик маблағларини ўтказиш жадвали 6-иловага;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчилари ҳамда тренерларига стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида Низоми 7-иловага;

спортчи учун белгиланган стипендия миқдорлари ва саралаш мезонлари 8-иловага;

тренерлар учун белгиланган стипендия миқдорлари ва саралаш мезонлари 9-иловага;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси қошида спортчи ва тренерларга Стипендия тайинлаш комиссияси рўйхати 10-иловага;

2018 йил Буэнос-Айрес шаҳри (Аргентина)да ўсмирлар ўртасида III ёзги Олимпия ўйинлари, 2018 йил Палембанг шаҳри (Индонезия)да ёзги Осиё ўйинларида қўлга киритилиши режалаштирилган медаллар бўйича тахминий Талабнома 11-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

**4. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов):**

вилоятимиз спортчиларини 2020 йили Олимпия ва Паралимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўришлари ва муносиб иштирок этишларини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилот ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон спортчиларини Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш Дастурини тизимли ва сифатли ижро этишини назорат қилиш, зарур ҳолларда Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали юқори малакали спортчиларни тайерлашни янада такомиллаштириш вазифалари юклатилсин.

**5. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов), таэквондо WTF ассоциацияси вилоят бўлими (Жўраев), Ўзбекистон эшкак эшиш федерацияси вилоят бўлими (Носиров), Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси (Абдурахмонов), Ўзбекистон гимнастика федерацияси вилоят бўлими (Мирошниченко)ларга** енгил атлетика, эшкак эшиш, таэквондо WTF, гимнастика бўйича спортчиларни 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши бўйича тасдиқланган Комплекс режа ижросини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

**6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари С.Қўчқоров ва И.Носиров, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов), Молия бошқармаси (Мирзаев), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали (Маҳкамов), спорт турлари бўйича федерация ва уюшмалари билан биргаликда:**

иқтидорли ва истиқболли спортчиларни селекция қилиш мақсадида Ўзбекистон чемпионатларининг саралаш туман, вилоят босқичлари тизими бўйича ўтказиш, ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни Республика мусобақаларига юбориш, миллий терма жамоалар захираси ва асосий таркибига киритиш ҳамда уларни узлуксиз ўқув-машғулот йиғинларига асосий ва қўшимча спорт базаларида олиб борилишини жорий этиш;

спортчиларни мусобакаларга тайёргарлик кўриш жараёнида йил давомида узлуксиз ўқув-машғулотлар йиғинини ташкил этиш;

спорт федерация, уюшмаларига бириктирилган спорт базалари ва объектларнинг моддий-техника базаси, спорт жиҳозлари билан таъминланиш ва улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

олдинги олимпия ўйинларида натижа кўрсата олмагаи истиқболли спорт турлари билан бирга ўйин турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

дастурда белгилаб берилган вазифа ва топшириқларни ижроси бўйича Мониторинг олиб бориш, зарур ҳолларда спортчиларни Олимпия ва Паралимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш жараёни ва спорт турлари таркибини кенгайтириш, амалга оширилган ишларни таҳлил этиб, Дастурга қўшимча ва ўзгартириш киритиш юзасидан вилоят комиссиясига таклиф киритиш вазифалари юклатилсин.

**7. Корхона, ташкилот ва идоралар, ҳомий корхоналар раҳбарларига** терма жамоаларни тайёрлашда ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш учун вилоят федерация ва уюшмалари ҳисоб рақамига, спортчи ва тренерлар стипендия тўлови учун Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳисоб рақамига ҳар чоракнинг биринчи ойининг 10-санасига қадар маблағларни ўтказилиши таъминлансин.

**8. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов)** стипендия олишга номзод спортчи ва тренерларга 2017 йил август ойидан бошлаб шакллантирилган рўйхат асосида стипендиялар тўланишини таъминласин.

**9. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали (Маҳкамов), "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси (Юлдашев), "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси (Эргашев)га:**

икки ой муддатда жамғарма маблағлари ҳисобидан қурилган, якунига етмаган, фойдаланишга топширилмаган барча спорт объектлари, сузиш ҳавзаларини қайта инвентаризациядан ўтказиш ҳамда ушбу муассасаларда электр таъминоти, иссиқлик ва иссиқ сув бўлишини таъминлаш бўйича аниқ чораларни кўриш, натижаси юзасидан вилоят ҳокимлигига маълумот киритиш;

спорт мактабларидаги Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича бўлимларни эхтиёжини инобатга олган ҳолда спорт қайиқларини харид қилиш учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг 2018 йил ҳаражатлар сметасига киритсин ва таъминласин;

**10. Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси (Ш.Тожихакимов) ва Молия бошқармаси (Мирзаев)** 2018-2020 йиллар Инвестиция дастурини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Дастурга киритилган объектларни қуриш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозлари билан таъминлашга капитал қўйилмалар лимитини белгиланган тартибда назарда тутсин.

**11. Марказий банк бош бошқармаси (Қундузов), Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов), спорт турлари бўйича федерация ва уюшмалар** томонидан 2017-2020 йиллар давомида вилоят спортчиларини халқаро спорт мусобақаларига юбориш ҳамда спорт жиҳозларини харид қилиш учун ажратилган бюджет ва ҳомийлик маблағларига вилоят ҳокимлиги фармойиши асосида конвертациясини амалга ошириш ишларини ўз вақтида таъминлаш тавсия этилсин.

**12. Олий таълим муассасалари раҳбарлари, Халқ таълими бошқармаси (Мамажонов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси (Мамарахимов), Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов)** нуфузли мусобақа ва ўқув-машғулотлар йиғинларида иштирок этиш учун Ўзбекистон терма жамоаси таркибига киритилган мактаб ва коллеж ўкувчи-талабалари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларини дарслардан озод қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклиф киритсинлар.

**13. Ички ишлар бошқармаси (Султонов)** спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида спортчилар ва мусобақа томошабинлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарурий чоралар кўриш, шунингдек, Ўзбекистон велоспорт федерацияси вилоят бўлими ва Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят Кенгаши буюртмалари асосида спортчиларни йўл патрул хизмати ходимлари томонидан беғараз асосда кузатиб боришни таъминласин.

**14. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов) 15 кун муддатда** Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спортнинг ўйин турларини

янада ривожлантириш ва кўллаб-кувватлаш максадида Масъул раисларсиз ҳамда ҳомий ташкилотларисиз фаолият олиб бораётган федерацияларга Раислик учун номзод тайинлаш ва вилоятда фаолият юритаётган корхона, ташкилотлар рўйхатини шакллантирган ҳолда ҳомийлар бириктириш бўйича таклиф киритсин.

**15. Вилоят комиссияси аъзолари, масъул бошқарма, ташкилот ва корхоналар раҳбарларига** Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ва Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси билан келишилган ҳолда Республика комиссиясига такдимот материаллари билан киритсин.

Дастурни ишлаб чиқишда ижроси таъминланадиган, самарадорлиги юқори бўлган қуйидаги соҳаларга алоҳида эътибор каратсин:

худудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иқтидорли спортчиларни саралаш, туман (шаҳар), вилоят мусобақаларини мунтазам ўтказиш ва иқтидорли спортчиларни вилоят терма жамоасига жалб қилиш, улар ўртасида узлуксиз ўқув-машғулотларни ташкил этиш, республика мусобақаларида ҳудудий терма жамоалар иштирокини ўз вақтида таъминлаш;

спортчи ва тренерларга юқори савияда тайёргарлик кўришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

бир ой муддатда спорт федерация, уюшмаларга бириктирилган спорт базалари ва объектларнинг моддий-техника базасини жиҳозлар билан таъминланганлик ҳолатини инвентаризациядан ўтказиш ва улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш ва уларнинг ҳар бирига ҳомийларни жалб этиш;

оммавий спорт мусобақалари самарадорлигини ошириш, олимпия ҳаракатини кенг ёйиш ва тарғиб этиш бўйича тадбирларни тизимли йўлга қўйиш;

ўқув-машғулот жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, олимпия захиралари коллежи ўқувчилари ҳамда терма жамоа аъзолари ва номзодларини қишлоқ хўжалиги ва бошқа мавсумий ишларига жалб этмаслик;

Жисмоний тарбия ва спорт ва Молия бошқармаларининг биргаликдаги йиллик оммавий спорт тадбирлари календарь режасини кўриб чиқиб, спортчиларни республика мусобақаларида тўлиқ қатнашиши ҳамда туман (шаҳар) ва вилоят чемпионатларини ўтказиш учун етарли маблағ ажратиш;

2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига спортчиларнинг боскичма-боскич тайёргарлик кўриш Ҳудудий дастурнинг ижроси бўйича Республика комиссиясига чорак хисоботларини тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

**16.** Енгил атлетика буйича спортчиларни тайёрлаш самарадорлигини янада ошириш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Данғара тумани, Мукумий кўчасида жойлашган Данғара туман болалар-ўсмирлар спорт мактаби спорт базаси Ўзбекистон енгил атлетика федерациясига бириктирилсин.

**17. Спорт федерация ва уюшмалар раҳбариятига:**

бир ой муддатда 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган

XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига спортчиларнинг тайёргарлик кўришини ташкил этиш бўйича ўзларини дастури ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб Жисмоний тарбия ва спорт бошқармасига тақдим этсин.

2018-2020 йилларда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларнинг тайёргарлик кўриш учун ажратилган ҳомийлик маблағларининг мақсадли сарфланишига жавобгар шахс этиб белгилансин ва сарф-харажатлар бўйича йил якунида Вилоят комиссиясига хисобот киритиб борсин;

**18. Вилоят телерадиокомпанияси (Мамарасулов), Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов), Матбуот ва ахборот бошқармаси (Жабборов)** билан ҳамкорликда аҳолини Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оид кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида олий спорт ютуқларини оммалашишини, Халқаро ва республика спорт мусобақаларини, шунингдек Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шахри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўришини телекўрсатув ва радиоэшиттириш, нашр, ижтимоий реклама каби махсус кўрсатувлар яратиш орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

**19. Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (Мажидов):**

дастурга ва баёнга киритилган тадбирларни амалга оширишга қаратилган тизимли мониторингни амалга оширсин;

дастурни амалга оширишда иштирок этувчи тегишли бошқарма, ташкилот, корхона ва шаҳар, туман ҳокимликларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича вилоят комиссиясига аниқ таҳлилий ва танқидий маълумотларни тақдим этиб борсин.

**20.** Мазкур йиғилиш баёни ижросини назорат қилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссияси раиси ўринбосари И.Носиров зиммасига юклансин.

**Баённи ёзиб борувчи** **М.Турдиматов**

Вилоят ҳокимлигининг
2017 йил "15" июлдаги
290/01-45 сонли йиғилиш баёнига
1-илова

**Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йия 9 мартдаги "Ўзбекистан спортчиларнни 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги ПҚ-2821-сонли қарорининг Дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан**

**КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ва НАЗОРАТ-РЕЖАСИ**

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бошқарма ва идоралар | Вилоят ҳокимлиги |
| **I. Иқтидорли ва истиқболли спортчиларни саралаш, тайёрлаш, спорт маҳоратини ошириш узлуксиз тизимини такомиллаштириш, сифатли Олимпия спорт захирасини шакллантириш, болалар ва ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш.** | | | | | |
| 1. | "Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари" – ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактблари – Олимпия захиралари коллежи – Республика олий спорт маҳорати мактаблари. Республика Олимпия захиралари коллежи – миллий терма жамоалар" схемаси бўйича иқтидорли ва истиқболли спортчиларни миллий терма жамоалар таркибига киритиш мақсадида саралаш, тайёрлаш, спорт маҳоратини ошириш бўйича узлуксиз тизимни самарали ташкиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш. | 2018 йил I чоракда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш 2018-2020 йй. амалга ошириш | - | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров Л.Валиев М.Турдиматов |
| 2. | Спорт турлари бўйича вилоят терма жамоаларининг асосий ва захира таркибини шакллантириш мақсадида умумтаълим, болалар-ўсмирлар ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларини, Фарғона олимпия захиралари коллежиига қабул қилиш учун вилоят худудларида олиб борилаётган ишларни тубдан кучайтириш. | 2017-2020 йй. | - | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров Л.Валиев М.Турдиматов |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бошқарма ва идоралар | Вилоят ҳокимлиги |
| 3. | Йил давомида узлуксиз ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш ва халқаро мусобақаларда иштирок этиш орқали спортнинг олимпия турлари бўйича терма жамоа аъзоларини айниқса ўсмирлар ва ёшлар терма жамоа аъзоларини, узлуксиз тайёрлаш жараёнини ҳудудий ва Республика базаларда ташкиллаштириш. | 2017-2020 йй. тасдиқланган календарь режага мувофиқ | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бошқармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 4. | Болалар-ўсмирлар спорт мактабларида спортнинг ўйин турлари бўйича ўқув-машғулот жараёнини сифатли кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, унда:<br>болалар-ўсмирлар спорт мактабларида мусобақаларнинг ўтказилишини кенгайтириш ва спорт ўйинлари бўйича кўшимча тўгаракларни ташкил этиш;<br>футбол бўйича спорт мактаб- интернатининг фаолиятини такомиллаштириш. | 2017-2020 йй. | - | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимликлари, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 5. | 2018 йил Буэнос-айрес шаҳри (Аргентина)да III ўсмирлар ўртасида Олимпиада ўйинларида ёш спортчиларнинг;<br>2018 йил Джакарта, Палембанг шаҳарлари (Индонезия)да Осиё ва Паросиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси таркибидаги вилоят вакилларининг иштирокини таъминлаш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш ва амалий ёрдам бериш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2018 йил сентябрь<br>2018 йил ноябрь-декабрь | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бошқармаси, Олимпиячиларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 6. | Республика ва халқаро мусобақалардаги эришилган натижаларга асосан олимпия спорт турлари бўйича лицензияли мусобақаларда иштирок этиш учун мамлакат терма жамоасининг вилоят спортчилари асосий таркибини;<br>2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига якуний тайёргарлик кўриш учун олимпия спорт турлари бўйича | 2017-2018 йй.<br><br>2019 йил декабрь | - | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпиячиларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бошқарма ва идоралар | Вилоят ҳокимлиги |
| | лицензиларни кўлга киритган мамлакат терма жамоасининг вилоят спортчилари асосий таркибини шакллантириш;<br>2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун Ўзбекистон спорт делегацияси таркибидаги вилоят вакилларини шакллантириш. | 2020 йил март-июль | | | |
| 7. | 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этишини таъминлаш. | 2020 йил август-сентябрь | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бошқармаси. Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 8. | Олимпия спорт турлари бўйича Республика федерациялари ва уюшмалари, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти буюртмасига асосан спорт мусобкаларининг ўтказилиши мобайнида спортчилар хамда томошабинларнинг хавфсизлигини ИИБ йўл ҳаракати Давлат хавфсизлиги хизмати томонидан беғараз таъминлаш. | 2017-2020 йй. | - | Ички ишлар бошқармаси. Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 9. | Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш. шунингдек. болалар ва ёшлар ўртасида олий спорт ютуқларининг оммалашини. Халкаро ва Республика спорт мусобакаларини, шунингдек. Ўзхбекистон спортчиларининг 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўришини телекўрсатув ва радио эшиттириш. нашр. ижтимоий реклама каби махсус циклини яратиш оркали кенг ёритиш. | 2017 йил III чорак ишлаб чикиш ва тасдиқлаш<br><br>2017-2020 йй. амалга ошириш | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот бошқармаси, Олий таълим муассасалари. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси, Молия бошқармаси. Олимпиячиларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бошқарма ва идоралар | Вилоят ҳокимлиги |
| **II. Ҳудудий олимпия спорт турлари бўйича спорт базалари ва иншоотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда спорт иншоотларини ва ускуналари билан жиҳозлаш ишларини амалга ошириш.** | | | | | |
| 10. | Дастурга киритилган объектларнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чикиш, курилиш-пудратчи ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотларни жалб килган ҳолда, пудратчиларни танлаш бўйича танлов савдоларининг ўз вактида ўтказилишини таъминлаш;<br>тасдикланган лойиҳа ва қурилиш меъёр ва коидаларига катъий амал килган, объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширган холда, қурилиш, қайта қурилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ишларни амалга ошириш;<br>дастурдан ўрин олган ҳудудий спорт базалари ҳамда иншоотларининг қурилиши, қайта қурилиши ва капитал таъмирланиши бўйича ишларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлаш. | Лойиҳа-смета хужжатларига мувофик ҳар йили 1 декабрга қадар | Тасдиқланган молиялаштириш манбаларига мувофиқ ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, "Архитектурақурилиш" бош бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимликлари, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | О.Ахмедов<br>И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 11. | Вилоятнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио (Япония) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги ПҚ-2821-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида объектларни қуриш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозлари билан таъминлаш бўйича Дастурида белгиланган амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш. | 2017-2020 йй. | Тасдиқланган молиялаштириш манбаларига мувофиқ ижрочилар маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, "Архитектурақурилиш" бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, туман, шаҳар ҳокимликлари, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | О.Ахмедов<br>И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| **III. Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларининг вилоят вакиллари тайёргарлик жараёнига замонавий илмий-услубий технологияларни тадбиқ этиш.** | | | | | |
| 12. | Олимпиада ўйинларида юқори натижаларга эриша олинмаган истиқболли спорт турларини ривожлантиришда мавжуд спорт потенциалидан | 2018 йил I чорак | - | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимликлари, Олимпия турлари | И.Носиров<br>Л.Валиев |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бошқарма ва идоралар | Вилоят хокимлиги |
| | тўлик фойдаланиш олимпия захиралари ва тренерлар таркибига, амалдаги ва фойдаланишга топширилиши кутилаётган спорт базалари ва иншоотларни моддий-техник жиҳатдан жиҳозланишига асосий эътиборни қаратган ҳолда вилоятнинг ҳар бир худудида истиқболли спорт турларининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, тасдиклатиш ва амалга ошириш. | ишлаб чиқиш ва тасдиклаш<br><br>2018-2020 йй. амалга ошириш | | бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | М.Турдиматов |
| 13. | Халқаро спорт мактабларидаги ўқув жараёни тажрибасидан фойдаланган холда, Олимпия ва бошка спорт турлари бўйича спорт-таълим муассасалари учун такомиллаштирилган ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни ишлаб чикиш ва тадбик этиш. | 2017-2018 йй. | - | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Фарғона давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 14. | Олий спорт ютукларини ривожлантириш масалалари бўйича илмий-услубий адабиётларни ишлаб чиқиш ва нашрдан чиқариш ҳамда Олимпия терма жамоаларини тайёрлаш бўйича илғор хориж тажрибаси асосида ўқув-машғулот технологияларни такомиллаштириш, шунингдек, нашр этилган адабиётни спорт турлари бўйича спорт-таълим муассасалари, федерациялар ва ассоциацияларга тарқатиш. | 2017-2020 йй. | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпиячиларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 15. | Олимпия спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларининг вилоят вакиллари тайёргарлигини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни амалга ошириш учун илғор спорт мутахассислари орасидан комплекс илмий гуруҳларини тузган ҳолда, ўкув-машғулот жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чикиш. | 2017 йил | - | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 16. | Машғулотларни индивидуаллаштириш максадида, спортчиларнинг функционал ҳолати ва физиологик сифатларини инобатга олган ҳолда, иктидорли спортчиларни аниклаш, саралаш ва тайёрлаш бўйича илмий асосланган тизимни | 2017 йил | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Соғликни саклаш бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар: Бошқарма ва идоралар | Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги |
|---|---|---|---|---|---|
| | ташкил этиш. | | | | |
| **IV. Мамлакат терма жамоаларини тиббий-биологик, фармакологик ва спорт-психологик жиҳатдан таъминлашни ташкиллаштириш ва чуқур тиббий текширувдан ўтказиш жаҳон спорт тиббиёти тажрибаси ва ютуқлари асосида машғулот юкламаларининг кўпайишига уларнинг психологик жиҳатдан чидамлилигини ошириш.** | | | | | |
| 17. | Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этувчи номзод спортчиларнинг соғлиги ҳолатини миллий стандартларга мувофик даврий жиҳатдан қайта баҳолаган ва спорт машғулотларида, шунингдек, мусобақаларда қатнашишга рухсат берган ҳолда, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш,<br>Ўзбекистон терма жамоасининг вилоятдаги аъзолари ва уларнинг захирасини, зарурий ҳолатларда, фармакологик жиҳатдан таъминлаган ва реабилитация қилган ҳолда, тиббий кўрикдан (бир йилда камида икки маротаба) сифатли (юқори) даражада ташкил этиш ва ўтказиш. | 2017-2020 йй. | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Соғликни сақлаш бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 18. | Ҳар бир олимпия спорт турлари бўйича ишлаб чиқилган тиббиёт регламенти асосида мамлакат терма жамоаларининг вилоят вакилларини ўқув-машғулот йиғинлари ва мусобақаларда узлуксиз тиббий-биологик ва спорт-психологик жиҳатдан кузатувни такомиллаштириш. | 2017-2020 йй. | - | Соғликни сақлаш бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 19. | Спортда допингдан фойдаланишга қарши фаолият олиб бориш бўйича дастурни амалга ошириш:<br>Бутунжаҳон допингга қарши агентлигининг (антидопинг) янги қоида ва талабларини тезкор тадбиқ этиш ҳамда узлуксиз мониторингини олиб бориш;<br>спортда фойдаланиши тақиқланган дори-дармонлар тўғрисида семинарлар ўтказиш, спортда допингдан фойдаланишга қарши услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш. | 2017 йил III чорак ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш<br><br>2017-2020 йй. амалга ошириш | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Соғликни сақлаш бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 20. | Спортчиларни фармакологик жиҳатдан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, бунда:<br>спорт фармакологияси, фармакологик | 2017-2020 йй. | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет | Соғликни сақлаш бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Олимпия турлари | И.Носиров<br>Л.Валиев |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бошқарма ва идоралар | Вилоят ҳокимлиги |
| | коррекция ва спортчилариииг жисмоний холатини тиклаш ҳамда ишчанлигини ошириш бўйича дарсликлар, қўлланмалар ва амалий тавсиялар тайёрлаш;<br>маҳаллий доривор ўсимликларнинг фармакологик хусусиятини ўрганиш асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқариш, спортчиларнинг ҳолатини тиклашга ёрдам берувчи маҳаллий препаратлар рўйхатини шакллантириш. | | маблағлари | бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | М.Турдиматов |
| 21. | Спортчиларни меъёрлаштирилган рационал овқатлантириш тизимини такомиллаштириш, бунда:<br>спорт федерациялари ва ассоциациялари учун спортчиларни меъёрлаштирилган рационал овқатлантириш бўйича услубий қўлланмаларни;<br>спорт турининг энергетик талабидан қатъий назар, спортчиларнинг индивидуал овқатланиш режимини;<br>спортчининг соғлиги ва жисмоний қобилиятига ижобий таъсир этувчи маҳаллий озиқ-овқат рўйхатини ҳамда оптимал овқатланиш миллий менюсини ишлаб чиқиш. | 2017-2020 йй. | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси. Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| **V. Мамлакат терма жамоаларининг вилоят спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассислари учун, уларнинг яшаш, спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва дам олиш жойларида қулай ижтимоий-маиший ва моддий шарт-шароитлар яратишга хар томонлама ёрдам бериш** | | | | | |
| 22. | Спортчиларнинг яшаш ва тайёргарлик кўриш жойларида ижтимоий-маиший ва моддий шарт-шароитларни янада яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чикиш ва киритиш:<br>Фарғона олимпия захиралари коллежига худудлардан танлаб олинган ёш иқтидорли спортчиларнинг таҳсил олиши учун ота-оналари тўловини бекор килган холда, зарурий ҳолатларда яшаш жойини кеигайтирган холда, уларни рағбатлантириш механизмини тадбик килиш; | 2017 йил<br>I ярим йиллик | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бошқармаси, Иктисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимликлари, Олимпия турлари бўйича вилоят федерация ва ассоциациялари | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Бошқарма ва идоралар | Вилоят ҳокимлиги |
| | ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида ўқиётган ва мамлакат терма жамоаси захира таркибига киритилган спортчиларнинг яшаш ҳамда овқатланиши учун шарт-шароит яратиш. | | | | |
| 23. | Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тайёрлаган тренерларга бир марталик пуллик мукофотларни бериш бўйича таклифларни киритиб бориш. | 2018-2019 йй. | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 24. | 2020 йил XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида совринли ўринларни эришган спортчиларга мукофот тўловлари тўғрисидаги таклифлар киритиш. | 2020 йил | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 25. | Ўзларини кўрсата олган ёш спортчи, мураббийларга туман ва шаҳар марказларидан уларнинг оилаларига кўпқаватли уйлардан хонадонлар билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритиш. | 2017-2020 йй. | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |
| 26. | Йилнинг энг яхши тренери, спортчиси ва бошқа мутахассислари, шунингдек, спорт ташкилотлари ва ҳайрия ташкилотлари раҳбарлари номинациялари бўйича Вилоят танловининг ўтказилишини ташкил этиш. | 2017-2020 йй. | Ҳомийлар ва ижрочилар, бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси | И.Носиров<br>Л.Валиев<br>М.Турдиматов |

**Изох:** * Дастур тадбирлари тасдиқланган сарф-харажатлар сметасига мувофик белгиланган тартибга асосан молиялаштирилади.

Вилоят ҳокимлигининг
2017 йил "15" июлдаги
290/01-49сонли йиғилиш баёнига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио (Япония) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги ПҚ-2821-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида объектларни қуриш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозлари билан таъминлаш бўйича Фарғона вилоятининг**

**Д А С Т У Р И**

| № | Бириктирилган спорт база номи ва амалга ошириладиган ишлар | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Вилоят спорт якка курашларига ихтисослаштирилган БЎСМ от спорти бўлимининг маъмурий биноси ва спорт иншоотларини капитал таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш. | 2018-2019 йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бошқармаси, туман, шаҳар ҳокимликлари, От спорти федерацияси вилоят бўлими |
| 2. | Вилоят спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган БЎСМининг чим устида хоккей бўлими спорт иншоотини капитал таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш. | 2018-2019 йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, "Архитектурақурилиш" бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, шаҳар ҳокимлиги, Чим устида хоккей федерацияси вилоят бўлими |
| 3. | Фарғона олимпия захиралари коллежи ҳудудига спортнинг футбол тури учун ўйингоҳ ҳамда спортнинг енгил атлетика турлари учун зарурий иншоотлар қуриш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, манзилли Инвестиция дастурига киритиш юзасидан таклиф киритиш. | 2018-2020 йиллар | Республика бюджети маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, "Архитектурақурилиш" бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, шаҳар ҳокимлиги, спорт |

| № | Бириктирилган спорт база номи ва амалга ошириладиган ишлар | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | турлари бўйича вилоят федерациялари |
| 4. | Вилоят гимнастикага ихтисослаштирилган БЎСМини жорий таъмирлаш ва замонавий спорт жиҳозлар билан таъминлаш. | 2018-2019 йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Молия бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, шаҳар ҳокимлиги, Гимнастика федерацияси вилоят бўлими |
| 5. | Бувайда туман БЎСМга ошхона, ётоқхона ва 12х8 хажмдаги спорт зал қуриш ҳамда замонавий спорт жиҳозлар билан таъминлаш. | 2018-2019 йиллар | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, “Архитектуракурилиш” бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, туман ҳокимлиги, Спорт курашлари федерацияси вилоят бўлими |
| 6. | Марғилон шаҳар БЎСМининг дзюдо бўлими спорт иншоотини жорий таъмирлаш ҳамда замонавий спорт жиҳозлар билан таъминлаш. | 2018-2019 йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, шаҳар ҳокимлиги, Дзюдо федерацияси вилоят бўлими |
| 7. | Вилоят Сув спорт турларига ихтисослашган БЎСМини жорий таъмирлаш ва зарурий жиҳозлар билан таъминлаш. | 2018-2019 йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, “Архитектуракурилиш” бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, шаҳар ҳокимлиги, Сузиш федерацияси вилоят бўлими |

| № | Бириктирилган спорт база номи ва амалга ошириладиган ишлар | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 8. | Қўштепа тумнидаги 21-сонли ва 23-сонли умумтаълим мактаблари спорт майдонлари ва залларини жорий таъмирлаш ва зарурий жиҳозлар билан таъминлаш. | 2018-2020йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иктисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, туман ҳокимлиги, Чим устида хоккей федерацияси вилоят бўлими |
| 9. | Қўқон шаҳар БЎСМи дзюдо бўлими спорт иншоотини жорий таъмирлаш ҳамда замонавий спорт жиҳозлари билан таъминлаш. | 2018-2020 йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси. Иктисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, шаҳар ҳокимлиги, Дзюдо федерацияси вилоят бўлими |
| 10. | Учкўприк туман БЎСМга 18x30 хажмдаги спорт зали куриш хамда замонавий спорт жиҳозлар билан таъминлаш. | 2018-2020 йиллар | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси. Иктисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, "Архитектуракурилиш" бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, туман ҳокимлиги, Спорт курашлари федерацияси вилоят бўлими |
| 11. | Ёзёвон тумани БЎСМга 18x30 хажмдаги спорт зали қуриш ва керакли спорт жиҳозлари билан жиҳозлаш. | 2018-2020 йиллар | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси. Иктисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, "Архитектуракурилиш" бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, туман ҳокимлиги, Спорт |

| № | Бириктирилган спорт база номи ва амалга ошириладиган ишлар | Бажариш муддати | Молиялаштириш манбааси | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | курашлари федерацияси вилоят бўлими |
| 12. | Данғара тумани БЎСМ биносини жорий таъмирлаш ва керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш. | 2018-2020 йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иктисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, туман ҳокимлиги |
| 13. | Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Фарғона вилоят Кенгашига карашли ўқ отиш тири биносини жорий таъмирлаш ва керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш. | 2018-2020 йиллар | Маҳаллий бюджет маблағлари | Вилоят ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Иктисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси, Молия бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, туман, шаҳар ҳокимликлари |
